



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 121 (12.182)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



Ватанга хизмат — муқаддас бурч

КАТТА ҲАЁТГА ҚАДАМ

Тошкент Ахборот технологиялари университети Махсус факультетинда катта тантана. Олий ўқув юрти факультети мамлакатимиз Куролли Кучлари сафига навбатдаги жасур, мард ўғлонларини тайёрлаб бермоқда. Улар бугун махсус дипломлар билан тақдирланиб, катта ҳаётга қадам қўймоқда.

Шу кунга қадар ҳарбий ўқув юртини битирган офицерлар республикамизнинг барча ҳудудларида жойлашган ҳарбий қисмларда ўзларининг билим ва интеллектуал салоҳиятлари билан бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Факультет учун аъёнавий тарзда ўтказиладиган битирув кеча-си ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, ушбу тадбир Ватанимиз мустақиллиги, озодлиги йўлида қурбон бўлган буюк аждодларимиз руҳига нисбатан юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш мақсадида шахримизнинг энг гузал ва қўрқам жойларидан бири — «Шахидлар хотираси» майдонида бўлиб ўтди. Битирувчи ёш офицерлар улғў аждодларимиз руҳини шод этиш ниятида ушбу майдонда олий маълумот тўғри-

сидаги дипломларини тантанали равишда олишди.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент Ахборот технологиялари университети оқитувчиси ўқув ишлари бўйича проректори Тўлқин Тешабоев ва бошқалар ёш офицерлар келажақда Махсус факультетда олган билимларини ўз фаолиятлари давомида тўғри қўллашлари, факультет раҳбарияти ва шахсий таркиби томонидан уларга билдирилган ишонч-ни оқлашларига умид билдирди. Битирувчилардан Жамшид Қорабоевнинг онаси ҳамда Бахтиёр Солиҳовнинг отаси ҳамда бирда иштирок этаётган барча ота-оналар номидан юртимиз ўғлонларини ушбу битирув кунини билан чин дилдан муборакбод этиб, уларга бахт, омад ва кела-

жақдаги фаолиятларида зафарлар тилаб қолди. Шунингдек, факультетда ўзининг билимдонлиги, яхши ҳуқуқи ва интизоми билан тенгдошларидан ажралиб турган Миржалол Мўйинов ҳам сўзга чиқиб, мамлакатимизда ёшларнинг ҳарбий соҳада билим олишлари учун яратилаётган шарт-шароитлар учун ўзи ва сафдошлари номидан чўқур миннатдорчилик изҳор этди.

— Ўйлайманки, 5 йил давомида олган билим ва кўникмаларимиз келгусидаги офицерлик фаолиятимизда қўл остида бўлишига шай таркибга таълим-тарбия беришда ва шу орқали Куролли Кучларимизнинг жанговар шайлигини оширишда жуда ҳам асқотди, — дейди Миржалол Мўйинов.

Отабек ОТАЁРОВ

Дунёнинг турли мамлакатлари олимлари ва мутахассислари томонидан Тожикистонда, Амударёнинг юқори оқимида йирик гидроэнергетика иншоотининг қурилиши натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларни ўрганиш давом этмоқда. Ушбу қурилишнинг минтақада яшаётган аҳоли ҳаёти учун нақадар хавфлилиги яхши маълум, тадқиқотчилар ўз эътиборини фақат бундан катта зарар кўрадиган муайян соҳаларга қаратмоқда ҳамда зарарнинг кўламини баҳоламоқда.

РОҒУН ГЭСИ ҚУРИЛИШИ ҲАЛОКАТЛИ ОҚИБАТЛАРГА ОЛИБ КЕЛИШИ МУҚАРРАР

Мустақил халқаро экспертларнинг хулосаси шундай.

Бунга халқаро сув ресурслари ва экология муҳандислиги академик журналининг сўнги сониди Американинг Нью-Мексико ва Шимолӣ Дакота университетларининг бир гуруҳ тадқиқотчилари томонидан тайёрланган «Роғун гидроэлектростанцияси тўғрисидаги Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалигига таъсири» деб номланган мақола яққол мисол бўла олади.

Роғун гидроэлектростанцияси қурилиши туфайли юзага келадиган сув тақчиллиги Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалигига ҳар йили 600 миллион АҚШ доллари миқдорида зарар етказиши, яъни ички маҳсулотнинг икки фоизга камайиши ва 300 минг кишининг ишсиз қолишига сабаб бўлиши мумкин. Роғун тўғрисида қурилишнинг Ўзбекистон иқтисодиётига кўрсатиши мумкин бўлган таъсирини чуқур таҳлил қилиб чиққан америкалик бир гуруҳ тадқиқотчиларнинг хулосаси шундай.

Тадқиқотчилар Роғун гидроэлектростанцияси сув омбори сувга тўлдирилиб, тўлиқ режимда ишлаб бошлаган юзга

келиши мумкин бўлган икки — энг ёмон ва эҳтимолга яқин ҳолатни баҳолаган.

Уларнинг маълумотларига кўра, Роғун сув омборини тўлдириш учун 12,4 йил керак бўлади. Бу даврнинг ўзи катта мураккабликларни келтириб чиқариши муқаррар. Чунки, Амударё оқимининг бир қисми тўсилади ва суви мазкур сув омборига йўналтирилади. Олимларнинг фикрича, Роғун ГЭСининг асосий салбий таъсири ёз мавсумида — у сувга тўлдирилиб, қишда суви чиқариб юборилганида айниқса кучаяди.

Роғун ГЭСи электр энергиясини тўлиқ ишлаб чиқариш тартибиди ишлаган пайтда ёзда Амударёнинг сув сатҳи 18 фоиз камайди, қиш даврида эса, аксинча, 54 фоиз кўпаяди. Бу эса Ўзбекистонда май-сентябрь ойларида (суғориш мавсумида), яъни муҳим вегетация даврида кескин сув тақчиллиги юзга келиши, сентябрь-майда эса сув кўпайиб, тошқинлар рўй бериши мумкинлигидан далолатдир.

ки билан ҳамкорликда 21-22 июнь кунлари «Тадбиркорликка оид масалаларнинг ОАВда ёритилиши» мавзусида семинар-тренинг ташкил этилади.

РЕСПУБЛИКА олимпия заҳиралари теннис мактабиди Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Республика теннис федерацияси ва Халқаро тен-

нис федерацияси (ITF) ҳамкорлигида теннис бўйича мураббийлар учун техник семинар уюштирилди.

ЎЗБЕКИСТОН Миллий матбуот марказида «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси томонидан нодавлат босма оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, уларга

қулай шароит яратиш ва хизмат кўрсатиш сифатини такомиллаштириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

ЮНУСОБОД туманидаги «Оқтепа» маҳалласи гузариди «Ярим аср ёнма-ён» мавзусида давра суҳбати ташкиллаштирилди.

Яқинда Сингапурда чоп этиладиган оммабон нашрларда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган қатор суратли мақолалар эълон қилинди. Хусусан, «Sports & Travel» журнали ва сайёҳлик бўйича ихтисослашган «Asian Geographic» журнали ўз ўқувчиларини Ўзбекистоннинг улғўвор гўзаллиги, беқиёс табияти, бой тарихий-маданий ва маънавий мероси, шунингдек, ўзбек халқининг меҳмондўстлиги билан таништиради.

ЎЗБЕКИСТОН СИНГАПУР МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА

«Sports & Travel»нинг ёзишича, сўнгги йилларда Ўзбекистон бутун дунё сайёҳларини тобора ўзига жалб қилувчи мамлакатга айланаётди. Бой тарихий-маданий мерос, кўплаб ноёб меъморий ансамбллар билан бир қаторда гўзал тоғлар ва замонавий сайёҳлик инфратузилмасининг мавжудлиги Ўзбекистоннинг халқаро сайёҳлик хизматлари бозорига муҳим устунликка эга бўлишини таъминлайди.

«Ўзбекистон — бу гўзал заминнинг қадим тарихига «саёҳат», Буюк Ипак йўлининг асосий чорраҳаларидан, буюк юришлар кечган йўللardan ўтиш, моддий маданий бойликлари — турли тарихий даврлар ва сулоалардан асрлар оша бизгача етиб келган ҳашаматли ёдгорликлари ўз кўзи билан кўриш ва уларни ҳис қилиш учун ноёб имкониятлар мамлакатидир».

Мамлакатимизнинг бетакрор табиятига тўхталар экан, журнал юртимиз атроф-муҳити манзараларини қуйидагича тасвирлайди: «Тоғ қири-нишлари, шаффоф сувларнинг саҳро ва воҳалар оша шилдирик анҳорлар узра оқиб келиши, ёрқин яшил рангга бурканган водийлар ва мовий кўллар. Дунёдаги энг ширин мева ва сабзавотлар фақат шу ерда, жазирама Осиё кўеши тафтида ширин-шарбатта тўлиб яшилади».

Мақолада Буюк Ипак йўлида жойлашгани ҳолда Осиё ва Европани бирлаштириб турувчи Ўзбекистон ўзининг қадим тарихий-маданий ёдгорликлари ва бой маданиятининг ўзига хослиги билан дунёнинг турли нуқталаридан келган сайёҳларни жалб этаётгани ҳақида атрофича маълумотлар берилган. «Бугунги кунда ҳам Ўзбекистоннинг замонавий шаҳарлари — Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва Тошкент тасавурида шарқона гўзаллик ва

мўъжизавийлик тимсоли сифатида яшаётди».

«Asian Geographic» журнали ҳам ҳозирги кунга қадар ўзбек халқининг буюк аждодлари, Буюк Ипак йўлининг кўплаб савдо қарвонлари хотирасини ўзига сақлаб келаётган қўнча шаҳарларимизнинг ҳайратланарли меъморчилигини киши ўз кўзи билан кўриши лозимлигини алоҳида таъкидлайди.

Шунингдек, Ўзбекистонда экологик, даволаниш туризми ва сайёҳликнинг бошқа турлари муваффақият билан ривожланаётгани ҳам Сингапур нашри томонидан қайд этилган. «Хорижлик сайёҳларга Қизилқум ва Қорақум саҳроларида изланишлар олиб бориш ва отда саёҳат қилиш, Фарбид Тян-Шань тоғларида альпинизм билан шўғулланиш имконияти яратилган. Ўзбекистоннинг миллий қўриқоналари ва дам олиш масканлари ҳам сайёҳларни бирдек ўзига жалб этади. Тошкент ва Жиззах вилоятларининг табияти гўзал жойларда дам олувчилар учун барча қулайликлар яратилган махсус экология ҳудудлари ташкил этилган. Булардан ташқари, минерал фўвқлар ёнида замонавий даволал муассасалари фаолият юритади».

Журнал Ўзбекистонда дунёдаги деярли барча динларга оид кўплаб гўзал ёдгорликлар мавжуд эканлигини ҳам ўз ўқувчилари эътиборига ҳавола қилган.

Ҳар икки мақолада «ўзбек халқининг самимиети ва меҳмондўстлигидан хорижлик меҳмонлар доимо илқ таассуротлар орттириши, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива сингари Ипак йўли ганжиналарининг улғўвор гўзаллиги эса ҳеч бир инсонни берафқ қолдирмаслиги» алоҳида қайд этилади.

«Жаҳон»АА
Сингапур

«Бу ҳолат Ўзбекистон иқтисодиётига катта зарар келтиради, яъни 506 минг гектар ерни (суғориладиган майдоннинг қарийб 11 фоизини) қишлоқ ҳўжалиги оборотидан чиқариб ташлашга олиб келади. Бу эса камида 336 минг киши ишсиз қолиши мумкин, демекдир. Натижада Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти 2,2 фоизга қисқаради, давлат даромадлари 6,9 фоизга камайди ва, энг ёмони, иқтисодий ўсиш ҳам пасайди», — деб ёзади америкалик тадқиқотчилар.

Бироқ, Ўзбекистон ўз қишлоқ ҳўжалигида сув истеъмолини камайтиришга доир катта чоралар кўрган тақдирда ҳам, 314 минг гектар суғориладиган майдонни оборотдан чиқаришга тўғри келади. Бунинг натижасида 208 минггача аҳоли ҳаётини манбалардан узилди қолади. Мамлакат ялпи ички маҳсулоти 1,4, бюджет даромадлари эса 4,3 фоизга камайди.

Олимларнинг бу борадаги хулосаси аниқ — Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги ва у билан боғлиқ соҳалар, умуман мамлакат иқтисодиётига катта зарар етказилади. Яна бир хулоса шундан иборатки, Амударёнинг сув сатҳи қиш даврида кескин қўтарилиб, қуйи оқимда жойлашган ерлар сув остида қолади. Бу Амударёнинг қуйи қисмида яшовчи аҳоли ҳаётига бевосита катта хавф солади, шунингдек, бинолар, иншоотлар, йўллар, бошқа коммуникацияларнинг вайрон бўлиши, экин майдонлари ва боғлар сув остида қолишига олиб келади.

Яна шунини таъкидлаш жоизки, ушбу тадқиқотда экологик хавфлар, шунингдек, қучли эрозиялар рўй берганида ва баланд тоғда жойлашган тўғон ўпирилган тақдирда юз берадиган техноген фалокатларнинг фўжiali оқибатлари ўрганилмаган.

Хавфсизлик таҳдид солувчи омиллар турлича баҳолаётганига қарамай, тадқиқотчилар мазкур шўбхали лойиҳанинг амалга оширилиши Тожикистоннинг ўзига ҳам, дарёнинг қуйи қисмида жойлашган мамлакатларга ҳам, умуман, бутун Ўрта Осиё минтақасига жиддий салбий таъсир кўрсатади, деган бир хил фикрдадир.

(ЎЗА)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• «Келажак овози — 2012» республика кўрик-танловининг Қашқадарё вилояти босқичи якунланди. Унда саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтган ёшлар қатнашди. Иштирокчилар архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлари ва техник ишланмалар, анъанавий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика йўналишлари бўйича ўзаро беллашдилар.

• Фарғона шаҳридаги Юсуфжон қизик Шакаржонов номидаги вилоят мусикали драма ва комедия театрида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида «Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик — тараққиёт омили» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

• Ўзбекистон Миллий матбуот марказида қишлоқ жойларида оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, шунингдек, соғлом авлодни шакллантириш борасида амалга оширилган ишлар ҳамда истикболдаги режаларга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

• Самарқанд вилояти туман ва шаҳарларида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида саломатлик ҳафталари ўтказилмоқда. Аҳолини, хусусан, қишлоқда яшовчи фертиль ёшдаги аёллар, болалар ва ўсмирлар ҳамда ногиронларни малакали мутахассислар томонидан чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш, уларга зарур тавсия ва маслахатлар бериш мақсадида ташкил этилган навбатдаги тадбир Қўшработ туманида ўтказилди.

• Жиззах вилояти прокуратурасида умумтаълим мактабларининг 9-синф ўқувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқ-тартибот идоралари, таълим муассасалари, хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла фўллари ва бошқа бир қатор жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• АҚШнинг IBM корпорацияси дунёда энг тезкор «Sequoia» суперкомпьютерини яратди. РАТА-ТАСС мухбирининг хабар беришича, ушбу суперкомпьютер 6,7 миллиард одам 320 йил давомида оддий калькуляторда амалга оширадиган ҳисоб-китобни бир соатда удралай олади. У бир сонияда ўн олти минг триллион операцияни бажариш имконига эга.

• Финляндиялик олимлар аллергия кўзгатувчи барча моддаларга қарши тура оладиган универсал вакцина устида иш олиб бормоқда. Унинг таъсири антигисмларни нобуд қилиш имконини беради. Мутахассисларнинг айтишича, бундай вакцинага талаб жуда юқори бўлиши кутилмоқда. Боиси Европа аҳолисининг катта қисми аллергияга чалинган.

• Япониялик дастурчилар смартфон ва планшетли компьютерлар учун «3D энетомия» махсус дастурини ишлаб чиқди. Амалиётчи шифокорлар учун қулай мазкур дастур инсон танасининг исталган қисмини алоҳида ажратиб, у ҳақда батафсил маълумот олиш имконини беради. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, ушбу янги лойиҳа ёрдамида инсон танасининг майда томирлари ва чуқур жойлашган барча тўқималарини ҳам кўриш мумкин.

• Америкалик боксчи Флойд Мейвезер машҳур гольф устаси Тайгер Вудсни ортда қолдирган ҳолда энг кўп маблағ ишлаб топувчи профессионал спортчилар рўйхатида биринчи ўринга чиқиб олди. Ўтган йили Мейвезер 85 миллион доллар ишлаб топган. Иккинчи ўринда эса 62 миллион доллар билан яна бир боксчи — филиппинлик Мэнни Пакьяо бормоқда. Бу гал Тайгер Вудс бир йилда 59,4 миллион доллар ишлагани ҳолда учинчи ўринга тушиб кетди.

ҚИСКА САТРАПДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ЎЗБЕКИСТОН мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ва Жаҳон бан-

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан «Фитч рейтинг» халқаро рейтинг агентлиги билан ҳамкорликда халқаро амалий конференция ўтказилди.

Конференцияда Марказий банк, Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳамда тижорат банкларининг раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирок этди.

Мазкур конференция Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»-ги Қарорининг ижроси доирасида ташкил этилди.

Конференция бекор ҳақон иқтисодиёти ва салбий таъшиқ омиллар шариотида Ўзбекистон банк тизимининг барқарор ривожланиши масалаларига бағишланди.

Маълумки, ҳақон молиявий-иқтисодий инқирози кўпгина ривожланган давлатлар молия-банк тизими-га жиддий зарар етказди, жумладан, инқироз натижасида бир қатор хорижий банкларнинг кредит ва инвестиция салоҳияти пасайиб кетди.

Ҳақон молиявий-иқтисодий инқирози шариотида Ўзбекистон томонидан пухта ўйланган ва ўз вақтида ишлаб чиқилган инқирозга қарши чора-тадбирлар, шунингдек, молия-иқтисод, банк-кредит тизимларининг узлуқсиз ва мустақам фаолиятини таъминловчи корхоналар, иқтисодиётнинг реал соҳалари ва аҳолини иқтисодий қўллаб-қувватлаш бўйича қатор чораларнинг қабул қилиниши инқироз таъсирини юмшатиш ва бартараф этишда муҳим ўрин тутганлиги агентлик экспертлари томонидан таъкидланди.

Хусусан, юқори иқтисодий ўсиш, мустақам молия-банк тизими ва паст даражадаги давлат қарзи макроектисодий кўрсаткичларга иқтисодий таъсир қилувчи омиллар сифатида эътироф этилди.

Ҳақон иқтисодиёти ривожланишига салбий таъсир этувчи омиллар шариотида Ўзбекистон банклари фаолиятига

Қарор ва ижро

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

бағишланган мазкур мавзунинг долзарблигини инобатга олган ҳолда, «Фитч рейтинг» агентлиги экспертлари томонидан халқаро илғор тажриба асосида банк тизимининг кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, Ўзбекистон шариотида қўллаш мумкин бўлган бир қатор таклифлар билдирилди.

Халқаро конференция давомида «Фитч рейтинг» агентлиги вакиллари банк тизимининг ривожланиши юзасидан ўз фикрлари билан ўртоқлашди. Мазкур конференция халқаро стандартларга асосланган рискларни бошқариш соҳасидаги билимларни қўллаш бўйича яхши имкониятлар яратди.

Конференцияда етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан қўлланадиган халқаро нормалар, мезонлар ва стандартларга асосланган тижорат банклари ва бутун

молия-банк тизими фаолиятини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг замонавий тизимини жорий этиш масалалари муҳокама қилинди.

Халқаро нуфузли рейтинг агентликларининг ижобий рейтинг баҳоларини олиш банкларнинг халқаро банк хизматлари бозорига чиқиши учун имконият яратди. Ўзбекистон банк тизимига инвесторлар ва аҳоли томонидан ишончининг янада орттишига хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Қайд этиш лозимки, бугунги кунда республикамизнинг 26 тижорат банки нуфузли халқаро рейтинг агентликларининг «барқарор» рейтинг баҳосига эга бўлиб, шундан ўнтаси «Фитч рейтинг» халқаро рейтинг агентлигининг рейтинг баҳоларини олган.

Ушбу баҳолаш мамлакатимиз банкларининг мажбуриятларини ўз вақтида бажариш, молиявий ресурсларни мустақил бошқариш, молиявий барқарорлик ва ликвидлигини таъминлаш, активларни зарур даражада диверсификация қилиш, банк операцияларининг ажралмас қисми бўлган рискларни бошқариш, банклар фаолиятини мувофиқлаштириш ва устидан кучли назорат ўрнатиш салоҳияти юқорилигидан далолат беради.

Халқаро конференция «Фитч рейтинг» халқаро рейтинг агентлигининг малакали мутахассислари ва тижорат банклари вакиллари ўртасида очик мулоқот ва мунозара тарзида ўтди.

Конференция давомида билдирилган тавсиялар республика молия-банк тизими барқарорлигини ошириш ва ислохотларни янада чуқурлаштириш, банклар, умуман, молия-банк соҳасини баҳолаш тизими ва ёндашувларини ўзгартириш, банклар фаолиятини ташкил этишда умум қабул қилинган мезонларни янада кенгроқ жорий қилиш имконини беради.

(ЎЗА)



Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтириш» мавзусида семинар уюштирилди.

ТАДБИРКОР — ЭЛГА МАДАДКОР

Унда Савдо-саноат палатаси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда ишбилармонларнинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти, соҳани янада такомиллаштиришга қаратилган қонун ва фармонлар, қарор ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Республикамизда бозор иқтисодиётининг асоси бўлган хусусий мулк устуворлигини мустақамлайдиган барқарор қонунчилик базаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қўлай ишбилармонлик муҳити ҳамда қонун доирасида ҳуқуқий кафолатлар тизими яратилган. Натижада хусусий мулк эгаларининг давлатимиз иқтисодиётига қўшаётган улуши тобора ошиб, ишонч билан фаолият кўрсатишларига замин яратилмоқда. Айниқса, турли идоралар вакиллари жалб этган ҳолда тадбиркорлик субъектлари учун «Очиқ эшиклар куни» ташкил этилганлиги хусусий мулк эгаларига қўшимча қўлайлиқ яратмоқда. Унда тадбиркорлик субъектлари дуч келаётган масалалар тегишли идоралар вакиллари иштирокида муҳокама қилиниб, уларга амалий кўмак берилди.

Шунингдек, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида, Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлиmlарида жорий этилган «Ишонч телефон»лари, тадбиркорлар мурожаатларининг расмий веб-сайт орқали интерактив шаклда қабул қилинаётганлиги ҳам уларга яратилган ҳуқуқий ёрдамдан қонуний манфаатлар йўлида фойдаланишга хизмат қилмоқда. Жумладан, 2011 йил ҳамда жорий йилнинг 1-чораги давомида «Ишонч телефон»ларига келиб тушган мурожаатларнинг 600 дан ортиси қаноатлантирилган.

Тадбирда янги таҳрирда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»-ги ҳамда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»-ги қонунлар, мазкур соҳада меҳнат қилишга бел боғланган фуқароларнинг ўз қобилияти, иқтидорларини тўлиқ ишга солиб фаолият кўрсатишда муҳим аҳамият касб этиш таъкидланди. Тадбиркорлик субъектлари томонидан даромадларни эркин тасарруф этиш, хизматлар бозорига кириш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур ҳужжатлар беришнинг белгиланган муддатлари ҳамда оилавий тадбиркорликни ташкил этиш масалалари муҳокама этилиб, иштирокчиларнинг саволларига соҳа мутахассислари томонидан апрофича жавоб берилди.

Алиёр ОРИПОВ,
«Туркистон-пресс»

Коммунал хизмат

ҚИШ МАВСУМИГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК

Сув — бу ҳаётимизнинг энг муҳим манбаларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам табиатнинг нодир неъматини асраб-авайлаш, ундан оқилона фойдаланиш шу куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Бектемир туман «Сувсоз» давлат унитар корхонаси ҳам аҳолини ана шундай нодир неъмат билан таъминлайдиган ташкилотлардан ҳисобланади.

Айни пайтда мазкур ҳудудда 30-35 минг атрофида аҳоли истиқомат қилади. Бундоқ қараганда, бу рақам унчалик катта бўлма-сада, аммо аҳоли билан бирга ўнлаб юридик мақомага эга бўлган ташкилотларга ичимлик суви етказиб бериш ҳам туман «Сувсоз» ДУК зиммасига юклатилгандир.

Бундай юксак масъулиятни чуқур ҳис этган корхона жамоаси истеъмолчиларга узлуқсиз ичимлик суви етказиб бериш, уларга сифатли хизмат кўрсатиш учун барча имкониятларини ишга солмоқда.

— Бунинг натижасида ҳудудимизнинг энг чекка қисмида жойлашган истеъмолчилар ҳам сифатли ичимлик суви билан таъминланган, — дейди биз билан сўхбатда бошлиқ ўринбосари Бахтиёр Амиров. — Ўтган вақт мобайлида туманимизнинг пойтахт ви-

лояти билан чегарадош қисмларига ҳам қувурлар тортиб борилди. Пировардида сув тармоқларининг умумий узунлиги 38 км дан 56 км.гача узайтирилди. Шунингдек, айни пайтда корхона жамоаси томонидан куз ва қиш мавсумига пухта ҳозирлик қилиш мақсадида «Бинокор» кўрғонига 900 метрлик сув қувурлари алмаштирилди. Хусайн Бойқаро кўчасидаги ярқисқ холга келган 400 метрлик сув қувурлари туман ҳокимлигининг бевосита ёрдами билан янгисига алмаштирилди. Бугунги кунда бундай ишлар қолган ҳудудларда ҳам кенг қўламда давом эттирилмоқда.

Дилмурод ИСМОИЛОВ,
СУРАТДА: корхона жамоаси сув тармоқларидаги носозликни бартараф этиш юзасидан маслаҳатлашмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов мавзуси: «Ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган муҳим давлат ва ҳудудий дастурларни амалга оширишда иштирок этиш, шу жумладан, ёш оилавларни, ёшларни ва аёлларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, республикамизнинг узоқ қишлоқ ҳудудларида уларни оилавий бизнес, касаначиликка, хусусий тадбиркорликнинг бошқа турларига кенг жалб қилиш».

Танловда Ўзбекистон Республикасининг Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг қуйдаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

— жамиятда оила институти ва маҳалланинг ролини янада мустақамлаш — ёш оилавлар, аёллар ва ёшлар, аҳолининг бошқа қатламларини ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

— оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик ва касаначилик, халқ ҳунармандчилиги, айниқса, узоқ қишлоқ ҳудудларида, тадбиркорлик фаолияти шакллари ривожлантиришга қўмаклашиш;

— ёшларни, энг аввало, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртлари битирувчилари

рини тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга шариотлар яратиш;

— аёллар ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, узоқ туманлар ва қишлоқ ҳудудларида уларнинг касбий таълимини яхшилаш;

— жамиятимизнинг маънавий асосларини янада ривожлантиришда оиланинг роли ва аҳамиятини ошириш, азаллий миллий қадриятларимизни мустақамлаш, жамиятимизда юқори одоб-ахлоқ тамойиллари ва соғлом турмуш тарзини кенг йўлга қўйишда қўмаклашиш;

— жамиятимизда аҳолининг ҳуқуқий онгини, инсон ҳуқуқлари маданиятини ошириш;

— давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш.

Танловда катнашиш учун қуйдаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига ариза тақдим этилаётганлиги ҳақидаги қузатув хати.

2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси.

3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси.

4. Низом нусхаси (ташкilot муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан).

Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант микдори — 15 миллион сўмгача.

ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.

Ҳужжатлар 2012 йил 15 июль соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): «100035, Тошкент ш., Бунёдкор кў., 1-уй» манзилда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун тел: 239-26-76, 239-26-64.

ДАВЛАТ МУЛКИ: ИСЛОҲОТ ВА САМАРА

Ўзбекистон Давлат мулки қўмитасида давлат мулки объектларидан келгусида самарали фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 майда қабул қилинган «Давлат мулки объектларидан келгусида самарали фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарори ҳақида йиғилганларга батафсил маълумот берилди. Мазкур қарорга кўра, 414 та бўш турган ва фойдаланишга яроқсиз давлат мулки объектлари ўрнатилган тартибда бузилиши, 532 та объект хусусийлаштирилиши ҳамда 47 та ишқот инвестиция киритиш мажбурияти билан «нол» хараид қўйишда сотилиши белгиланган. 47 та бўш турган кўп қаватли объектлар эса тадбиркорлик субъектлари томонидан таъмирланиб уй-жой сифатида сотиладди. Уй-жой фондининг 20 фоизи аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига, хусусан, вояга етган етим болаларни ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларини уй-жой билан таъминлаш мақсадида шаҳар ва туман ҳокимликлари тасарруфига ўтказилди.

Хусусий мулкнинг роли ва аҳамиятини ошириш, хусусийлаштириш билан бир қаторда техник-технологик янгилаш учун хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шу асосда юқори сифатли, рақобатбардор ва импорт ўрини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳоли бандлиги ҳамда даромадини оширишда мазкур қарорнинг ижроси муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда Президентимизнинг 2012 йил 25 апрелдаги «2012-2013 йилларда давлат мулкини хусусийлаштириш дастури тўғрисида»-ги Қарори республика иқтисодиётини таркибий ўзгартиришни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкнинг роли ва аҳамиятини янада оширишда муҳим дастуруламал бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

Матбуот анжумани якунида соҳа мутахассислари журналистларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб беришди.

Бобомурод ИБРАГИМОВ,
«Туркистон-пресс»

«Битирувчи — 2012»

КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИЛАРИ — ИШГА

Тошкент Ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиалида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ташаббуси билан ўтказилган мазкур тадбирда агентлик тизимидagi ўндан зиёд корхона, ташкилот ва муассасалар ўзларида мавжуд юзга яқин иш ўринларини таклиф этди.

— Тадбирда бўш иш ўринлари билан биргаликда, мазкур корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар кўргазмаси ҳам ўтказилди, — дейди Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги вилоят бошқармаси бошлигининг ўринбосари Дилмурод Ҳўжамбердиев. — Бу эса битирувчиларнинг корхона ва ташкилотлар, улардаги иш жараёнлари ҳақида муайян тушунча ва тасаввурга эга бўлиб, шу асосда қарерда ишлаш масаласини хал этишларига қўмаклашди.

— Яқин кунларда электрон ҳисоблаш машиналари операторлиги бўйича тегишли диплом оламан, — дейди Жомбой маиший хизмат касб-ҳунар коллежи битирувчиси Шаҳноза Мирзаева. — Бугунги тадбирда вилоят ахборот-кўтубхона маркази томонидан тақдим этилган янги хизмат турлари менга маъқул келди. Марказнинг туман бўлимида ишлайдиган бўлдим.

Тадбир давомида битирувчилар Тошкент Ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиалида тайёрланадиган мутахассисликлар, талабалар учун яратилган шарт-шариотлар, ўқиш жараёнлари билан ҳам яқиндан танишди.

Ярмарка натижасида вилоятдаги касб-ҳунар коллежларининг олтинчи нафардан зиёд битирувчиларига агентлик тизимидagi корхоналарда меҳнат фаолиятини бошлаш учун йўлланма берилди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири

Транспорт

ҲАМ СИФАТЛИ, ҲАМ АРЗОН

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат компанияси томонидан тизим салоҳиятини ошириш йўлида тадбиркорлик билан иш юритилмоқда.

Ишлаб чиқариш сарфини маҳаллий арзон, аммо сифат жиҳатидан юқори бўлган маҳсулот ҳисобига қамайтириш борасидаги изланишлар ҳам яхши самара бермоқда. «Энг яхши рационализаторлик таклифлари» танлови ҳам айнан юқоридаги вазифаларга қаратилганини айтиб ўтиш жоиздир.

Компания томонидан ўтказилган навбатдаги танловга тақдим этилган лойиҳа ва таклифлар ҳам эътиборни ўзига тортади. Қимматбаҳо деталларнинг хизмат муддатини узайтириш, хом ашё воситаларини иқтисод қилишга оид ишланмалар юқори баҳо-ланди.

«Контактсиз трансмиттер БТ-2» деб номланган лойиҳа йўлчиқорлардаги сигналларни ўчириш тизимини осонлаштириш, унинг ишини янада самарадор бўлишини таъминлайди. Тошкент темир йўл муҳандислари институти олимлари яратган ишланмалар «Инновацион лойиҳалар» ярмаркасида яхши баҳо-ланди. Олий ўқув юрти «Автоматика ва телемеханика» факультети томонидан ишлаб чиқилган «Контактсиз микропроцессорли йўл трансмиттери» деган мослама ҳарорат диапазонининг катталиги билан ажралиб туради.

Ақбар АЛИЕВ

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Бугунги кунда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда дунё аҳолисининг 40 фоизи камқонликдан азият чекмоқда. Шундай инсонларга озгина бўлсада ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳар йили июнь ойи беғараз донорлик ойи деб эълон қилинади.

БЕГАРАЗ ДОНОРЛАР САФИ ОШМОҚДА

Мазкур ойда соғлом инсонлар беғараз донорлар сафига қўшилиб, қонга муҳтож беморлар ҳаётини сақлаб қолиш билан бирга фавқуллоҳда ҳолатлар учун қон захирасини ташкил қилишга ёрдам берадилар. Қон топишган ҳар бир киши ўз соғлиғи тўғрисида қайгурган ҳолда бошқа бир ёрдамга муҳтож беморнинг ҳаётини сақлаб қолишга ҳисса қўшади.

Мамлакатимизда қон олиш, қон тайёрлаш ва уни беморларга қуйишнинг замонавий тизими яратилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилдаги «Аёллар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Осиё тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан қон хизмати марказига замонавий, дунё стандартлари талабларига жавоб бера оладиган бир миллиард 800 миллион сўмлик янги тиббий лаборатория жиҳозлари келтириб ўрнатилди. Натижада



қондаги ҳар қандай касалликни аниқлаш имкониятлари кенгайди.

Корхонамизда қонни тестдан ўтказиб, қайта ишлаб, яхшилаб текшириб, хавфсизлиги ва сифатини кафолатлаган ҳолда, шахримизда фаолият олиб бораётган 9 та йирик даволаш клиникаларининг қон қўйиш бўлимлари қон препаратлари ва қоннинг етказиб берилишини таъминлаймиз.

Кишиларнинг саломатлиги тиббий қўриқдан ўтказилганидан сўнггина донорлик фаолиятига рухсат берилади. Қон, унинг компонентлари ва препаратлари қўлгина касалликларни даволашда энг самарали восита ҳисобланади, бунинг учун қонни фақат соғлом одамлардангина олиш мумкин. Инсон танасининг 1,14 қисмини қон ташкил этади, яъни 70 килограмм вазнли инсон танасида 5 литр, 100 килограмм кишиларда эса 7 литр қон бўлади. Танандаги қон доимий алмашилиб туради, яъни қон тўқима-

лари ўлиб, янги тўқималари туғилиб туради. Танандаги қон ҳар 120 кунда мутлақо алмашилиб бўлади. Демак бир йилда инсон танасидаги қон уч, тўрт мартаба янгиланади.

Донорлар оғир дамларда беморларга ҳаёт бағишловчи олижаноб кишилардир. Донор сўзининг маъноси ҳам саховат ва ҳимматини ифодаб ҳада эътибор деган маънони англатади.

Демак ўзини соғлом деб ҳисоблаган 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган фуқаролар ўз юртдошларига меҳр-муруватли, ўзгалар дардини ўз дарди деб билувчи инсонлар — донорлардир.

Зухра УБАЙДУЛЛАЕВА,
шаҳар қон препаратларини ишлаб чиқариш корхонаси директори
СУРАТДА: шаҳар қон препаратлари ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятидан лавҳа
Козим Ўлмасов олган сурат

Давлатимиз томонидан аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилиб, малакали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш тубдан яхшиланиб бормоқда.

Тиббиёт масканларида

ТЕЗ ВА СИФАТЛИ ХИЗМАТ

Учтепа туман Тиббиёт бирлашмасига қарашли 3-стоматология поликлиникаси Лутфий маҳалласида жойлашган. Ушбу замонавий муассаса бир кунда, 200 нафар беморни қабул қилиш имкониятига эга.

Хозирги кунда поликлиника икки юз эллик минг нафар аҳолига тез, сифатли ва самарали хизмат кўрсатиб келмоқда.

Поликлиникамиз замон талаблари ва жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган энг сўнгги русумдаги тиббий-техник ускуналар билан жиҳозланган, — дейди 3-стоматология поликлиникаси бош шифокори Зиёда Тожиева. — Туманимиздаги катта ёшдагилар, болалар ва ўсмирларга намунали хизмат кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, ёш авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар асосида улкан амалий ишлар бажарилмоқда. Бизнинг эзгу мақсадимиз эса, болалар стоматология хизматини янада яхшилаш, муассасамизнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, профилактика ишларини мактабларда кенг қамровли олиб бориш, ўсмирлар ўртасида соғломлаштириш тадбирларини кучайтириш ва ортодонтия хизмати бўйича профилактик қўриқлар билан ёшларни қамраб олиш, касалликларни эрта аниқлаш ва ўз вақтида даволашдан ибратдир. Раҳим Содиқов, Зокир Одилов, Дилбар Абдураимова, Раёно Тошматова, Татьяна Медведева каби шифокорлар беморларнинг соғлиқларини тиклаш, яхшилаш ва асраб-авайлаш йўлида астойдил фаолият кўрсатмоқдалар.

Дарҳақиқат, тиш инсон танасидаги энг керакли ва нозик аъзо-лардан бири ҳисобланади. Тишларимизнинг соғлом ва кўркам кўринишда стоматологларнинг хизматлари бекиёсдир. Ушбу тиббиёт масканида бугунги кунда юзга яқин малакали шифокорлар, 50 дан зиёд ходимлар фаолият олиб бормоқдалар.

Болалар ва даволаш, ортопедик бўлимлар тўлиқ таъмирдан чиқарилган бўлса, жарроҳлик бўлимида таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда. Тиббий ходимлар режа асосида мунтазам равишда ўз малакаларини ошириб бормоқдалар.

Гулчехра ДУРДИЕВА

ОНА ВА БОЛА СОҒЛИҒИ — ДОИМО ҲИМОЯДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан мамлакатимизнинг кишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлоднинг тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги режаларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўринбосари А.Комилов, Республика аҳоли репродуктив саломатлиги маркази директори М.Каттахўжаева, Республика скрининг маркази директори М.Шарипова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллимиз генофондини янада соғломлаштириш, оила, оналик ва болалик манфаатларини таъминлаш, хотин-қизлар саломатлигини муҳофазалаш, айниқса, ўсмир қизлар соғлиғини асраб-авайлаш, уларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган қатор ижтимоий дастурлар хотин-қизлар, болалар, оилаларга эътиборни янада кучайтириш, тиббий хизматни сифат жиҳатдан янги босқичга

олиб чиқишда муҳим асос бўлмоқда. Мамлакатимизда барпо этилган уч минг икки юздан зиёд кишлоқ врачлик пунктлари, кўплаб оилавий поликлиникалар, ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, шифохоналар фарзанд кўриш ёшидаги аёллар, болалар, ўсмирларни соғломлаштириш, ҳомиладор аёлларни эрта муддатда тиббий назоратга олиш, уларни мукамал скрининг текширувидан ўтказиш, юзага келиши эҳтимоли бўлган хасталикларни ўз вақтида аниқлашга хизмат қилмоқда. Аҳоли ўртасида мунтазам тушунтириш ва тарғибот ишларининг самарали олиб борилаётгани, бирламчи бўлинда фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимларининг билим ва касб малакаси доимий тарзда оширилаётгани турли юқумли хасталикларни аниқлаш, уларни ўз вақтида бартараф этишда муҳим омил бўлмоқда.

Инсон организми учун ёт бўлган табиий препаратларни яратиш борасида Тошкент фармацевтика институтида самарали изланишлар олиб боришмоқда. Фитопрепаратлар ва доривор ўсимликлар воситасида тайёрланадиган бу хилдаги дори-дармонлардан бир нечтаси юзага келиб, амалиётга татбиқ этилди.

ЯНГИ ИХТИСОСЛИКЛАРДАГИ ФАРМАЦЕВТЛАР

Аҳоли ва фармацевтика саноатини доривор ўсимлик хомашёси билан таъминлаш мақсадида ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликларни табиий шароитда сақлаб қолиш тадбирлари ҳам қўрилмоқда.

Синтез йўли билан олинган дори воситаларини узоқ вақт узлуксиз равишда истеъмол қилишнинг зарарли томонлари ҳам тадқиқ қилинди. «Саноат фармацевти» янги йўналиши йўлга қўйилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган лабораториялар ва тажриба марказларидан ҳам фойдаланилмоқда. Шу асосда клиник фармацевтика йўналиши очилди. Уни ташкил этишда дунёдаги ривожланган олий таълим муассасаларининг бой тажрибалари қўл келди.

Институт жамоаси соҳадаги мавжуд муаммолар ечимига қодир бўлган юқори билим ва салоҳиятли мутахассис, ёш изланувчан кадрлар, педагоглар тайёрлаш, билимларини, янги ҳужайра юртига асосий эътибор берилмоқда.

Ақбар АЛИЕВ

Саломатлик сирлари

ТАШХИС ҚЎЙИШНИНГ ҲАР ХИЛ УСУЛИ БОР

Замонасининг ҳақиму табиблари келган беморнинг ҳолати, юриш-туриши, терисининг рангига назар ташлаб, лозим топса кўз қовоқларини очиб, оғиз бўшлиғи — тилига қараб, уёқ-бўёғини пайпаслаб, томир уришининг даражасини инобатга олган ҳолда бир мўқим фикрга келиб, хасталикни аниқлашга ҳаракат қилганлар. Бу борада табиблар беморга жуда назокатли равишда ёндошганлар, мумкин қадар илқ муносабат билан беморларга ҳаёт наҳидаси билан яна яшаётганларини таъкидлашга ҳаракат қилганлар.

Хуллас, табиблар одамнинг қиёфасига қараб унинг феъл-атворининг эмас, балки айти пайтадаги дарди нима эканлигига ҳулоса чиқарганлар. Биз бу борада кишининг тирноқ тузилишига қараб, унда қандай дард бор бўлиши мумкинлиги ҳусусида тўхталамиз.

Тирноқ агар ясси ва қисқа бўлса, юракка хос касалликлар бўлиши мумкин.

Тирноқдаги ярымой катта ўлчамда бўлса, бу кишида юрак қисқаришларининг тезлашиши (илмий атама билан айтилса — тахикардия) мавжуд.

Тирноқ ҳошиясида ярымойнинг йўқлиги руҳий юрак изтироби (юрак неврози)дан ишора қилади.

Тирноқнинг катта бўртиб чиққан бўлиши ўпка сили (ту-

Илгариги вақтларда табиби замонлар беморларнинг хасталикларини аниқлаш учун қандай тарзда ташхис қўйганликлари кишини қизиқтирмай қўймайди. Қадимда, ҳозиргидай ташхис қўйишда нозик асбоб-ускуналар, ишончли аппаратлар, қолаверса, биологик намуналарни текширувчи масканлар умуман бўлмаган.

беркулёз)дан нишона бўлиши мумкин.

Тирноқ қувурча кўринишида бўлса, саратоннинг эҳтимоли бўлиши мумкин.

Тўғноғига ўхшаш бўғимли тирноқ туғма асаб касаллигига илашган, жиззаки, газабнок кишига тааллуқли бўлади.

Тирноқлар синувчан тарновли (новли) бўлса, бу аъзоларнинг оҳақланишидан ишора бўлади.

Тирноқдаги тузли қаватлар — ўткир меъда-ичак касаллигидан белги.

Номсиз бармоқ тирноғида ярымой ҳошияси бўлса, буйракдаги нуқсонлардан нишона.

Тирноқлар тўлқинсимон кўринишда бўлса, бод (ревматизм) касаллиги борлигидан дарак беради.

Мабодо тирноқлар кемириладиган бўлса, асабият қуршови борлиги, меъда яллиғланиши (гастрит), аёлларда

эса жинсий фаолиятларда нуқсонлар борлигидан хабар беради.

Тирноқлар йўл-йўл, орасира дегиз бўлса, ичак касалликларидан дарак беради.

Тирноқлар учбурчакли бўлса, орқа мия ва умуртқа поғонасидаги нуқсонлардан (патология) белги беради.

Тирноқлар нуқтали (тешикли) кўринишда бўлса, унда талокда нуқсонлар борлигидан нишона бўлиши мумкин.

Энди тирноқларга қараб инсоннинг фазилатлари тўғрисида маълумотлар келтирамиз.

Тирноқ ўртаҳол оқш рангда бўлса, ундай киши зийрак ва ақли бўлади.

Тирноқ юпка, қора бўлса, бироз эҳёли ва фаҳм-фаросатли бўлади.

Тирноқ суюкка ёпишиб турса, ундай киши бир оз шармли ва идрокли бўлади.

Маннон НАБИЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ
бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қўйиладиган қўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Зангиота тумани СИБ томонидан № 181-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Иттифок қ.ф.й., Олимжонов кўчасида жойлашган рақамсиз уй. Бошлангич баҳоси 67 000 000 сўм. 2. Зангиота тумани СИБ томонидан № 32923-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Бўзсув қ.ф.й., Нодирабегим кўчасида жойлашган 11-уй. Бошлангич баҳоси 61 950 714 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 5 июль кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. 3. Зангиота тумани СИБ томонидан № 40072-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Бўзсув қ.ф.й., А.Темур кўчасида жойлашган рақамсиз уй. Бошлангич баҳоси 91 700 000 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 20 июль кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридиган мулклар 2012 йил 20 июль кунини савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 6 август кунини бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Савдога қўйилган қўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидида талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатлат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ Тошкент шаҳар, «Ипотек» банк» АТИБ Шайхонтоҳур филиалига қўйиладиган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 5049 3605 0002, МФО: 00425, СТИР: 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: (8 - 371) 266-80-76. Лицензия: RR-0052

«КО'Р TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ
бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Такроран аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 12.03.2009 йилдаги №10-0914/987-сонли ижро варақасига асосан, бошлангич нархи — 23 762 973-25 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Строитель даҳаси, 2-уй манзилида жойлашган 2 хонали, умумий майдони 71 кв.м.ли 25-хонадон нотураб-жой биноси қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2012 йилнинг 6 июль кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатлат пулини «КО'Р TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотек» банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ҳисоб рақамига 20208000104931635001 тўлашлари шарт. МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш шарт ошди савдоси ўтказилишига бир иш кунини қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: №0039

ФУҚАРОЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Фуқаро (ташкилот)ларнинг Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри хизмати ходимлари билан биргаликда ишлаш жараёнларида, бошқарма ва хизмат ходимлари томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзага келганда тезкор чора-тадбирлар кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатлари поймол бўлмаслигини таъминлаш, шунингдек, бошқарма ва хизмат фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи «ишонч телефони» тизими жорий этилди.

Ишонч телефони рақами:
239-35-21.

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти

Тошкент вилояти Қибрай тумани, Салар Ш.Ф.Й. Бойжигит кўчаси, 2-уй, 48-хонадонда яшовчи Примов Эшмунин Жовиевич номида бўлган уй режаси ва серия ТА № 1060934 гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилаётган эътибор туфайли мамлакатимизда спортчи оилалар сонини кўпайиб бормоқда. Бундай оилаларни Фарғона вилоятида ҳам кўплаб учратиш мумкин.

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

СПОРТЧИ ОИЛАЛАР КЎПАЙМОҚДА

— Спортчи оилалар сафининг кенгайиши спортнинг оммавийлигини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади, — дейди Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг вилоят кенгаши раиси Адҳамжон Отажонов. — Вилоятимизда юзлаб спортчи оилалар бўлиб, улар ўртасида мунтазам равишда мусобақалар ўтказиб келинмоқда. Хусусан, «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» мусобақаси, «Алпомиш ва Барчиной» махсус норматив синовлари, хотин-қизлар ўртасида аёллар спартакиадасининг ўтказилаётгани спорт оммавийлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қўштепа туманилик Абдуҳамид Ваҳобовлар оиласи чим устида хоккей, Тўлқин Исоқовлар оиласи эса велоспорт, енгил атлетика ва шахмат бўйича вилоятда эътибор қозонган. Ёзёвонлик Турдиали Тўрақуловлар оиласи волейбол, белбоғли кураш ҳамда миллий кураш бўйича кўплаб мусобақаларда фаол қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Ушбу оиланинг тўрт нафар вакили кураш бўйича Ўзбекистоннинг мутлақ чемпиониридир.

Психологларнинг фикрича, оиладаги маънавий муҳитнинг соғломлиги эр-хотиннинг дунёқараши, касбу корига ҳам боғлиқ экан. Бу борада, айниқса, битта соҳа вакиллари ўзаро турмуш қуриши яхши самара бериши кўп кузатилган. Фарғоналик Севарахон ва Содикжон

Дехқоновлар қарийб йигирма йилдан бери оилада ҳам, спортда ҳам ҳамма бирга. Содикжон ака ўзбек курашининг довруғи учун сидкидидан меҳнат қилаётган фидойилардан. Оилада уч нафар ўғил камолга етмоқда. Уларнинг каттаси — 1995 йилда туғилган Жасурбек кураш бўйича мамлакат ёшлар терма жамоаси аъзоси. У ўтган йили Грециянинг Салоники шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун ўтказилган халқаро турнирда биринчи ўринни қўлга киритди. Жамшидбек ҳам мамлакат миқёсида ўтказилаётган турли мусобақаларда фаол иштирок этиб келмоқда. Олти ёшли Жавлонбек акалари изидан бориб, кураш сирларини ўрганмоқда. С.Дехқонова Фарғона шаҳридаги Миллий спорт турлари, халқ ўйинлари болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг раҳбари ва тажрибали ҳакам сифатида ёшлар ўртасида спортни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

— Спорт орқали дунёни кўрдик, кам бўлмадик, — дейди фахр билан Севара Дехқонова. — Президентимиз томонидан спортга берилаётган катта эътибор туфайли бошқа спорт турлари каби ўзбек кураши ҳам тобора оммалашиб бормоқда. Курашимизни бошқа халқлар ўрганапти. Курашнинг ватани Ўзбекистон эканидан юрак-юракдан фахрланамиз. Бу ифтихорни ёшлар қалбига ҳам сингдиришга ҳаракат қилияпмиз.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА муҳбири



ДЗЮДОЧИЛАРИМИЗ ҚИТЪАМИЗДА ПЕШҚАДАМ

Куни кеча пойтахтимиздаги «JAR» спорт соғломлаштириш мажмуида дзюдо кураши бўйича кўплаб халқаро турнирлар ғолиб ва совриндори, спорт устаси Учқун Мурадов хотирасига бағишланган халқаро турнир ўз ниҳоясига етди.

Осиё дзюдо федерацияси, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон дзюдо федерацияси ҳамкорлигида 18 бор ташкил этилган мазкур халқаро турнирда Ўзбекистон, Россия, Туркменистон, Тожикистон ҳамда Қозғистон давлатларидан келган 337 нафар 14-16 ёшли умидли полвонлар 9 вазн тоифасида ғолиблик учун татамида бел олишди. Уч кун давом этган халқаро хотира турнирининг биринчи куни 42 кг, 46 кг ва 50 кг вазн тоифаларида беллашувлар ўтказилиб, ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Шунингдек таъкидлаб ўтиш кераки, ҳар учала вазнда ҳам олтин медалларга юртимиз дзюдочилари эгалик қилишди. Вазни 42 кг гача бўлган полвонлар мусобақасида Элшод Исоқовга тенг келадиган рақиб топилмади. Ушбу вазн тоифасида иккинчи ўринни Раҳимжон Субхонов эгаллаган бўлса, бронза медаллари Бекзод Хайруллаев ва Учқун Баҳодировларга насиб этди.

Оғирлиги 46 кг гача бўлган спортчилар ўртасидаги беллашувада Асқаджон Матқуронов пешқадамликни ўз қўлига олган ҳолда мусобақанинг олтин медалига эгалик қилди. Асқаджон ҳал қилувчи финал

бахсида ўзининг жамоадор дўсти Шохруҳ Султоновга рўбарў келди ва уни қийинчилик билан бўлсада мағлубиятга учратди. Шунингдек, мазкур вазн тоифасида ҳамюртимиз Отабек Кенжаев ва қозғистонлик Шамил Тамхаев турнирнинг бронза медаллари билан тақдирландилар. Вазни 50 кг гача бўлган дзюдочилар баҳсида ҳам совринли ўринларнинг барчаси юртдошларимиз томонидан қўлга киритилди. Қизгин кечган учрашувлар якунига кўра, Комрон Нуруллаев биринчи, Исо Шоназаров иккинчи, Шохруҳ Аҳадов ва Учқун Қуранбойлар бронза медалларига лойиқ қўрилдилар.

Шу тариқа турнирнинг иккинчи ва учинчи кунги баҳсларида ҳам спортчилар 55 кг, 60 кг, 66 кг вазн тоифаларида бел олишиб, мамлакатимиз вакиллари жонбозлик кўрсатишганлиги боис натижа биринчи кунгига қараганда самарали бўлди. Яъни Тамон Нуруллаев ва Ҳасан Умаровлар яна бир бора байроғимизнинг сарбаланд бўлишини таъминлашди.

Раббонакул МУХТОРОВ
СУРАТДА: турнирнинг ўзбекистонлик ёш ғолиблари

«K'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси олиб бориш тартибиде ўтказилаётган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

1. Аукцион савдосига Микробод туман СИБ томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2011 йил 27 сентябрдаги 10-0720(04)/14225-сонли ижро варақасига асосан қўйидаги кўчмас мулклар тақдоран қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Тараққиёт кўчаси, 2-й манзилида жойлашган, «East Productions» МЧЖга тегишли, фойдаланиш майдони 6247 кв.м бўлган омборхона биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 4 288 702 230 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Тараққиёт кўчаси, 2-й манзилида жойлашган, «Stone Express» МЧЖга тегишли, фойдаланиш майдони 1543 кв.м бўлган ишлаб чиқариш биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 1 041 552 397 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Бешёғоч маъзеси, 4-й манзилидаги, «Stone Express» МЧЖга тегишли, умумий майдони 783 кв.м бўлган, 9 қаватли уйнинг 1-қаватида жойлашган савдо дўкони қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 1 328 229 943 сўм.

И. Аукцион савдоларига Олмазор туман СИБ томонидан қўйидаги кўчмас мулклар тақдоран қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2011 йил 16 декабрдаги 10-1109/18375-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш 1/2 даҳаси, Шамсутдинова кўчасидаги 9 та блоклардан иборат савдо маркази. Бошланғич баҳоси — 2 000 000 000 сўм.

2. Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2011 йил 16 декабрдаги 10-1109/18375-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 28-й манзилида жойлашган умумий ер майдони 1064 кв.м да қурилган 2 қаватли ва ертўлали, умумий майдони 1725 кв.м. бўлган 2006 йилда қурилган бино. Бошланғич баҳоси — 800 000 000 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йил 9 июль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида Бевоусита жойига чиқиб танишлов мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2012 йил 6 июль куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закатат келишувага асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, тулов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАЙТБ Сағбон ф-даги қўйидаги ҳисоб рақамига тулашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, ИНН: 207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz. Лицензия: РР-0001

Пойтахтимиздаги Петр Боровский номи коллеж ўз фаолиятини дастлаб шошилинч тиббий ёрдам клиникаси ҳузуридаги акушеркалар мактаби, сўнг тиббиёт билим юрти сифатида бошлаган эди.

Тиббиёт

ИБН СИНО ВОРИСЛАРИ

лик иши асослари» фани асосида эса алгоритмлар бўйича тарқатма материаллар ҳам юзга келди. Билим юрти ўқитувчилари иш тажрибаси республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан

маъқулланиб, тиббиёт йўналишидаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари таълим жараёнларида жорий этиш учун тавсия қилинди.

Акбар АЛИЕВ


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?

Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?

Унда шошилиб таваккал қилманг.

Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совиришингиз мумкин.



Кўчмас мулк бозорида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган «K'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сизга кўчмас мулк, хусусан ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб оlishда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимизнинг юқори малакали мутахассисларининг (+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85 телефон рақамларига қўнғироқ қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкнингизни оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шаклланган ҳақиқий нархлар билан таққослаган ҳолда республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари донунчиликда бегилаанган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади. «K'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан Сизни, албатта, қувонтиради.

Унутманг! «K'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.

Мурожаат қилинг ва барака топинг!

Лицензия: РР-0001



Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 641

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
9477 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Тошпириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида тегилиб ва сақланади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акматали АҚРОМОВ



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

Бағритошнинг қаҳри қаттиқ бўлади.

Ота-она тақдири кўпинча болаларида тақдорланади.

Кўрқоқнинг ҳаёти қил устида кечади.

Шубҳа — минг бошли аждарҳо: бирини чопсанг, ўрнига яна иккитаси ўсиб чиқади.

Қизганишда рашкчи бахилдан баттар.

Ўзининг хом ҳаёлини ҳақиқат деб биладиганлар қанча?

Яқиндан билган сари кимга меҳринг ошади, кимдан кўнглинг қолади.

Нодоннинг насиҳати дононинг кулгисини кўзгатади.

Кучли муҳаббат кучли рашк ҳам туғдиради.

Диёнатли дўст — қиёматли дўст.

Дано ўзининг донолигини тан олиши мумкин, лекин доно бунга ҳеч қачон рози бўлмайди.

Вақтдан ортда қолма.

Ҳаёт билан ўлим чегараси чексиз бўлиб туюлса-да, уларни кўзга кўринмас юпка бир парда ажратиб туради.

Журъати йўқнинг жасорати йўқ.

Ўлим соғ одамдан жуда узоқларда туюлади, лекин касал кишининг атрофида у учиб юради.

Яхшилик йўлида ишлатилган ёлғон ҳақиқатдан афзал.

Сўзи кишининг кимлигига далилдир.

Ҳасад инсоннинг қонида бор.

Кўрқоқ воқеалар ривожидан олдинда юради.

Севгилининг ҳаёли билан яшаш қандай наъзали.

Севги байроқ эмас кўз-кўз қилинмас.

Ўз фойдасига қолганда ҳеч ким бировнинг маслаҳатига муҳтож эмас.

Ўлим ҳаётнинг омонатлигидан огоҳлантиради.

Бир аҳмоқликнинг товонини баъзан бир умр тўлаб адо қилолмайсан.

Ёмон яхши бўлолмаганидан аламзада.

Юзи йўқдан ҳамма нарсани кутиш мумкин.

Кўпинча айб ўзимизда бўлгани ҳолда ўзгаларни айбдор қиламиз.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



Тошкент шаҳрида 21 июль куни ҳаво ўзгариб туради. Ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 22-24, кундузи 37-39 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 21 июль куни Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратмайди. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фойиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.